

“Микрокредитбанк” АТБ ҳисобварақларни
очиш, юритиш ва ёпиш тартиби
тўғрисидаги вақтинчалик йўриқнома
3-илова

_____ (Банк филиали номи)

_____ дан

_____ (ҳўжалик юритувчи субъект номи)

**Банк ҳисобварақларини очиш ва уларга масофадан туриб (дистанцион)
электрон банк хизматларини кўрсатиш
А Р И З А**

Сиздан СТИР _____ бўлган _____ номига
(ҳисобварақ эгасининг номи)

_____ да _____, _____ да _____
(валюта номи) (асосий ёки иккиламчи ҳисобварақ) (валюта номи) (иккиламчи ҳисобварақ)
ҳисобварақ очишингизни, шунингдек қуйидаги банк маҳсулотларидан фойдаланишга
рухсат беришингизни сўрайман:

- “Интернет-банк” хизмати “SMS-банк” хизмати “Mobile banking” хизмати

Манзил: _____

(тадбиркорлик субъектининг жойлашган жойи, шунингдек фаолиятини амалга ошириш манзили)

Мазкур аризани тўлдириш вақтида Оммавий оферта шартномалари ва Банк тарифлари билан

- Банкнинг веб-сайтида Банк ходимининг таништирувига асосан Банк стендида

танишдим, шунингдек унда кўрсатилган банк ҳисобварақлари очиш ва уларга масофадан туриб электрон банк хизматларини кўрсатиш шартлари билан шартномани қабул қилдим. Шу муносабат билан Мен оммавий оферта шартномаси шартларига мувофиқ ҳисобварақ очиш ва унга электрон банк хизматлари кўрсатиш бўйича розилик бераман.

Оммавий оферта шартномаси шартлари асосида очилган ҳисобварақ ва унга электрон банк хизматлари кўрсатиш, ташкилот ҳисобварағи бошқа банка ўтказилган тақдирда ҳисобвараққа хизмат кўрсатиш бўйича оммавий оферта шартномаси бекор қилинган деб ҳисоблашингизни сўрайман.

Акцепт қабул қилинганлигидан хабардор этилдим.

Шундан келиб чиқиб, Сиздан, қуйидаги тариф/пакет орқали ҳисобвараққа хизмат кўрсатилишини сўрайман:

<input type="checkbox"/> “Стандарт” тарифи	<input type="checkbox"/> “Имтиёзли” тариф-1	<input type="checkbox"/> “Имтиёзли” тариф-2
<input type="checkbox"/> “Жозибатор” пакети	<input type="checkbox"/> “Бонусли” пакети	<input type="checkbox"/> “Имкон” пакети
<input type="checkbox"/> “Корпоратив” пакети	<input type="checkbox"/> “Дорихона” пакети	<input type="checkbox"/> “Тиббиёт хизмати” пакети
<input type="checkbox"/> “Корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш” пакети		

20__ й. " __ " _____
(Тўлдирилган сана)

_____ (имзоси)

_____ (Раҳбарнинг Ф.И.Ш.)
(М.Ў.)

Банк белгилари

20__ й. " __ " _____
(Аризани қабул қилиш санаси)

_____ (имзоси)

_____ (Қабул қилган ходимнинг Ф.И.Ш.)

Ҳисобварақ очиш ҳужжатлари текширилди ва мижозга қуйидаги ҳисобварақлар очилишига рухсат берилди:

_____ да _____, _____ да _____
(валюта номи) (асосий ёки иккиламчи ҳисобварақ) (валюта номи) (иккиламчи ҳисобварақ)

Масъул ходим _____
(имзо)

Бошқарувчи _____
(имзо)

(Банк филиали номи) _____дан

(хўжалик юритувчи субъект номи)

Банк карталарини очиш учун

АРИЗА

«_____» Сиздан хўжалик эҳтиёжлари
(хўжалик юритувчи субъект номи)

учун корпоратив банк картаси UZCARD HUMO очилишида амалий ёрдам беришингизни ва ушбу очилган картани _____ ходимимизнинг номига бириктириб беришингизни сўрайман.

Мазкур аризани тўлдириш вақтида Оммавий оферта шартномалари ва Банк тарифлари билан

- Банкнинг веб-сайтида Банк ходимининг таништирувига асосан Банк стендида

танишдим, шунингдек унда кўрсатилган банк ҳисобварақлари очиш ва уларга масофадан туриб электрон банк хизматлари кўрсатиш шартлари билан шартномани қабул қилдим. Шу муносабат билан Мен оммавий оферта шартномаси шартларига мувофиқ ҳисобварақ очиш ва унга электрон банк хизматлари кўрсатиш бўйича розилик бераман.

Оммавий оферта шартномаси шартлари асосида очилган ҳисобварақ ва унга электрон банк хизматлари кўрсатиш, ташкилот ҳисобварағи бошқа банкка ўтказилган тақдирда ҳисобвараққа хизмат кўрсатиш бўйича оммавий оферта шартномаси бекор қилинган деб ҳисоблашингизни сўрайман.

Акцепт қабул қилинганлигидан хабардор этилдим.

Бириктирилган ходимларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхалари илова қилинади.

20__ й. "___" _____
(Тўлдирилган сана)

_____ (имзоси)

_____ (Раҳбарнинг Ф.И.Ш.)
(М.Ў.)

**ЮРИДИК ШАХСЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА БАНК
ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ОЧИШ ВА УЛАРГА МАСОФАДАН ТУРИБ (ДИСТАНЦИОН)
ЭЛЕКТРОН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ҲАМДА КОРПОРАТИВ БАНК
КАРТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА
ОММАВИЙ ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ**

“Микрокредитбанк” АТБ (бундан буён шартнома матнида “Банк” деб юритилади) юридик шахслар ва тадбиркорлик субъектларига (бундан буён шартнома матнида “Мижоз” деб юритилади) Банк ҳисобварақларини очиш ва уларга масофадан туриб (дистанцион) электрон банк хизматлари кўрсатиш ҳамда корпоратив банк карталарини фойдаланиш учун тақдим этиш тўғрисидаги оммавий электрон оферта шартномасини (бундан буён матнда “Шартнома” деб юритилади) тузишни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 369-моддасига мувофиқ таклиф қилади.

Мижоз томонидан мазкур Шартномани ақцептлаш банкка ҳисобварақ очиш тўғрисидаги аризани тақдим этиш орқали амалга оширилиб, ушбу орқали Мижоз мазкур шартномада кўрсатилган тартибда ва ҳажмда банк билан ушбу шартномани тузишга розилигини билдирган ҳисобланади.

Мижоз мазкур Шартнома матни билан Банкнинг корпоратив веб-сайтида ҳамда Банк офисларида танишиб чиқиши мумкин.

I. ШАРТНОМАДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАР

1.1. Мазкур Шартномада қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

- **банк ҳисобварағи** — банк ҳисобварағи шартномасини тузиш орқали банк мижоз (ҳисобварақ эгаси) ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварағидаги тегишли маблағларни ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқларни бажариш вазифасини ўз зиммасига олиши натижасида банк ва мижоз ўртасида вужудга келадиган муносабатларни амалга ошириш воситаси;

- **талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи** — мижозларнинг биринчи талаби биланоқ бериладиган ёки ўтказиб бериладиган маблағларнинг ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

- **масофавий банк хизматлари** – “Интернет-банк”, “Мобил-банк” ва “SMS-банк” тизимидан фойдаланиш хизмат турлари.

- **“интернет-банк” хизмати** - автоматлаштирилган электрон тизим бўлиб, мижозга интернет ахборот-телекоммуникация тармоғидан фойдаланган ҳолда унинг банкдаги ҳисобварағига масофадан туриб хизмат кўрсатиш имконини берувчи хизмат тури ҳисобланади.

- **“мобил-банк” хизмати** – автоматлаштирилган электрон тизим бўлиб, мижозга интернет ахборот-телекоммуникация тармоғи орқали “IOS”, “Android” ёки “JAVA” операцион тизимларида ишлайдиган мобил телефони ёки планшетидан фойдаланган ҳолда банкдаги ҳисобварағига масофадан туриб хизмат кўрсатиш имконини берувчи хизмат тури ҳисобланади.

- **“SMS-банк” хизмати** - автоматлаштирилган электрон тизим бўлиб, мижозга уяли алоқа операторлари хизматидан фойдаланган ҳолда мобил телефони ёки планшетига ҳисобварағидаги амалиётлар ҳақида маълумотларни SMS кўринишида тақдим этиб турувчи хизмат тури ҳисобланади.

- **электрон ҳужжат** – электрон шаклда қайд этилган, яъни файл кўринишидаги ёки маълумотлар базасидаги бир ёки бир неча ёзувлар кўринишидаги байтларнинг йиғиндиси бўлган, Тизим дастурий таъминоти ёрдамида тайёрланган, тўлов топшириқномаси ёки Мижознинг бошқа ахборотларини ўзида жам қилувчи, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжат ҳисобланади.

- **электрон рақамли имзо (ЭРИ)** – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон ҳужжатни аутентификация қилиш (муаллифликни ва яхлитликни тасдиқловчи) имкониятини берадиган имзо.

- **шубҳали операция** — тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, мазкур Қоидаларни амалга ошириш жараёнида тижорат банкида уни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция.

- **мижознинг ходимлари** - Мижоз билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар.

- **карта ҳисобварақлари** – Банк томонидан чиқариладиган пластик карталардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин бўлган амалиётлар.

- **корпоратив карта (“Карта”)** – миллий валютадаги карта, товар ва хизматлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафари харажатларини тўлаш учун мўлжалланган персонифицирланган тўлов воситаси ҳисобланиб, таъминот сифатида корхона карта ҳисобварағи ҳисобланади. Карта Банк томонидан чиқарилади, Банк мулки ҳисобланади ҳамда вақтинча фойдаланиш учун банк томонидан белгиланган муддатга берилади. Картадан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу шартнома билан тартибга солинади.

- **карта эгаси** - Мижоз ходими ҳисобланиб, Банк томонидан унинг номига ҳамда унинг фойдасига карта чиқарилади.

- **карта ҳисобварағи** – карта эгалари томонидан амалга оширилган амалиётларни ҳисобга олиш учун ташкилотнинг банкдаги ҳисобварағи.

- **карта бўйича ҳисобот** – мижоз томонидан амалга оширилган карта операцияларини акс эттирувчи банк томонидан тузиладиган ҳужжат.

- **харажат лимити** – карта бўйича амалиётларни амалга ошириш мумкин бўлган, ташкилот томонидан белгиланган карта бўйича сарф лимити.

II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Мазкур шартнома банк томонидан мижознинг аризасига кўра амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ, банк ҳисобварақларини (бундан буён «ҳисобварақ» деб юритилади) очиш, унинг ҳисобварағига келиб тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварағидан тегишли пул маблағларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш, касса хизматларини кўрсатиш, масофавий хизматлар дастурий мажмуалари орқали электрон банк хизматларини кўрсатиш, корпоратив (ёки тадбиркор) банк картаси орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар бўйича Банк томонидан кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

2.2. Банк томонидан Мижознинг банкда очилган ҳисобварақлари бўйича кўрсатиладиган масофавий банк хизматлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Мижозга интернет тармоғи орқали “Интернет-банк” тизимининг функционал имкониятларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатларини узатиш ва қабул қилиш, сўровларга мувофиқ маълумотлар олиш амалиётларини бажариш бўйича “Интернет-банк” хизматини кўрсатиш;

- Мижознинг “Интернет-банк” тизими орқали келиб тушган электрон тўлов ҳужжатларига Марказий банкнинг электрон тўлов ҳужжатларига ишлов бериш бўйича талаблари ва низомларига мувофиқ ишлов бериш;

- Мижознинг ходимларига Smart Vista тўлов тизими карта ҳисобварағига пул маблағини ўтказиш учун Мижоз томонидан тақдим этилган тўлов қайдномаларининг электрон алмашинуви;

- Мижознинг мобил аппаратлари ва/ёки планшетларида интернет ахборот-телекоммуникация тармоғидан фойдаланган ҳолда “IOS”, “Android” ёки “JAVA” операцион тизимларида ишлайдиган “Мобил-банк” хизмат турини юклаш орқали унинг банкдаги ҳисобварағига масофадан туриб “Мобил-банк” хизматини кўрсатиш;

- Мижознинг уяли алоқа операторлари хизматидан фойдаланган ҳолда унинг мобил телефони ва/ёки планшетига ҳисобварағидаги амалиётлар ҳақидаги маълумотларни “SMS” хабарлар тарзида тақдим этиб туриш йўли билан унинг банкдаги ҳисобварағига масофадан туриб “SMS-банк” хизмати кўрсатиш. Бунда Мижозга унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича ўтказиладиган ҳар бир банк амалиёти унга SMS хабар орқали автоматик тарзда маълум қилиниб борилади.

2.3. Мижоз юқорида келтириб ўтилган “Интернет-банк”, “Мобил-банк” ва “SMS-банк” хизматларини ихтиёрий равишда танлайди.

2.4. Мижоз www.mkbank.uz сайтидан “Интернет-банк” тизимига кириши ва ушбу хизмат тури, шунингдек, “Мобил-банк” ва “SMS-банк” хизмат турлари ҳақида барча зарур қўшимча маълумотларни олиши мумкин.

III. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ ТАРТИБИ ВА ЖОЙИ

3.1. Мижоз томонидан оммавий оферта шартномасини акцептлаши, жумладан оферта шартлари билан танишганлиги ва розилиги юзасидан ўз аризасида маълум қилган ҳамда мижозга тегишли банк ҳисобварағи очилган пайтдан бошлаб Банк ва Мижоз ўртасидаги шартнома тузилган ҳисобланади.

3.2. Мижоз томонидан мазкур Шартномани акцептлаш банкка ҳисобварақ очиш тўғрисидаги (Банк мижози бўлган субъектлар “Мижознинг мобил телефон қурилмасига масофадан туриб (дистанцион) электрон SMS-Банк хизмати кўрсатиш учун”, “Мижознинг ҳисобварағига масофадан туриб (дистанцион) электрон Интернет-Банк хизмати кўрсатиш учун”, “Юридик шахсларга ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга корпоратив банк карталарини очиш учун”) аризани тақдим этиш орқали амалга оширилади.

3.3. Шартнома Мижозга банк ҳисобварағи очилган банк жойлашган ерда тузилган ҳисобланади.

3.4. Мазкур Шартномада кўрсатилган амалларни бажариш:

- ушбу Шартномани акцептлаганлиги ва Мижознинг мазкур Шартномада баён этилган шартларда, тартибда ва ҳажмда шартномани имзолашга розилигини тасдиқлаш сифатида эътироф этилади;

- мижоз Шартноманинг барча шартларини ҳеч қандай истисносиз ёки чекловларсиз уларнинг шартларига қўшилиш орқали қабул қилганлигини англатади;

- мазкур Шартноманинг барча шартлари билан Мижознинг танишиб чиққанлигини сўзсиз тасдиқлайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Банк мажбуриятлари:

4.1.1. Мижознинг аризаси ва топшириғига мувофиқ миллий валюта ва/ёки хорижий валютада ҳисобварақ очиш, тушумлар мақсади бўйича бошқа керакли (ойлик иш ҳақи учун, терминал учун, корпоратив карта учун, пенсия ва бошқа махсус) ҳисобварақлар очиш шунингдек қонунчиликда кўзда тутилган барча ҳисоб-китоб-касса хизматларини кўрсатиш ва ҳисоб-китоб ва касса операцияларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг амалдаги қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириш, жумладан:

а) Мижоз ҳисобварағига оид тўлов ҳужжати Банкка соат 16.00 гача келиб тушган ҳолда, барча реквизитлар тўғри расмийлаштирилган бўлса шу куннинг ўзиде, соат 16.00 дан кейин тушган ҳолда кейинги банк куниде ҳисобга киритиш;

б) Мижознинг пул маблағларини унга тегишли бўлган бир ҳисобварағидан бошқасига ўтказиш ҳамда бошқа шахсларнинг ҳисобварағига ўтказиш тўғрисидаги топшириғини бажариш, шунингдек ҳисобварақда маблағ мавжуд бўлганда тегишли тўлов ҳужжати Банкка келиб тушган кундан кейинги кундан кечиктирмай ижро этиш;

в) Мижознинг тақдим этган тўлов талабномаларига кўра, бошқа юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлардан унга тегишли бўлган пул маблағларини ундириб олишга доир топшириғини қонунчилик доирасида бажариш;

г) амалдаги қонунчиликка мувофиқ Мижоздан нақд пул маблағини қабул қилиш ва бериш ёки алоҳида шартнома асосида пластик картага кирим қилиш;

4.1.2. Мижоз билан тузилган алоҳида шартномага асосан ҳисоб-китоб-касса хизмати кўрсатишга бевосита тааллуқли бўлмаган бошқа хизматларни (кредитлаш, факторинг, лизинг, қимматбаҳо қоғозларни жойлаштириш ва сақлаш ҳамда бошқа хизматлар) кўрсатиш;

4.1.3. Мижозга банк иш кунларида белгиланган иш тартиби режимига мувофиқ хизмат кўрсатиш;

4.1.4. Банкка ҳисоб-китоб ҳужжатлари (тўлов талабномалари) келиб тушган куни Мижоз ҳисобварағидан маблағларни фақат унинг топшириғи ёки розилиги асосида (акцептсиз тўланадиган тўлов талабномалари бундан мустасно) ҳисобдан чиқариш. Банк Мижознинг ҳисобварағида маблағ мавжуд бўлмаган ёки етарли маблағ бўлмаган ҳолда, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, суд ижро ҳужжатлари, ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш учун асос бўлувчи тўлов ҳужжатлари, шунингдек акцептсиз тўланадиган ҳамда Мижоз томонидан акцептланган тўлов талабномаларини 2-сонли картотекага жойлаштиради.

Интернет-банк тизимига уланган мижозларнинг ҳисобварақларидан пул маблағларини ундириш учун банкка келиб тушган қоғоз шаклдаги тўлов талабномаларни автоматлаштирилган банк тизимига 1-сонли картотекага киритган ҳолда мижознинг интернет-банк тизимига танишиши учун юборади.

Мижоз томонидан интернет-банк тизими орқали акцептланган ёки қисман рад этилган электрон тўлов талабномалар банклараро тўловлар вақти тугамаган бўлса шу куннинг ўзиде, тўловлар вақти тугаган бўлса кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда тўловни амалга оширади ёки 2-сонли картотекага жойлаштиради.

Мижоз томонидан белгиланган муддатда ўзининг розилиги ёки тўловдан тўлалигича ёхуд қисман бош тортиши тўғрисида маълум қилинмаган тақдирда, тўлов талабномаси банк томонидан умумий тартибда акцептланади ҳамда тўлов амалга оширилади.

- 4.1.5. Тўлов асосида Мижозни ҳисоб-китоб, касса ҳужжатлари ва бошқа бланкалари билан таъминлаш;
- 4.1.6. Мижоз талабига кўра, унинг ўзига ёки ишончли вакилига (ишончнома асосида) банк тарифларида белгиланган ҳақ эвазига мижознинг кредит айланмаси бўйича ҳисобварағидан кўчирмани тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда бериш;
- 4.1.7. Мижознинг ҳисобварағи бўйича бажарилаётган амалиётларни сир сақлаш, мижоз розилигисиз банк ҳисобварағига оид амалиётлар бўйича маълумотларни учинчи шахсларга фақат амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллардагина бериш;
- 4.1.8. Мижозга ҳисоб-китоб, ҳужжат айланмаси тартиби ва бевосита ҳисоб-китоб-касса хизмати кўрсатишга тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича маслаҳатлар бериш;
- 4.1.9. Мижоз ҳисобварағида пул маблағларининг сақланишини таъминлаш;
- 4.1.10. Ҳисобварақда маблағ мавжуд бўлганда, иш ҳақи, пенсия ва нафақа тўлови учун пул маблағлари берилишини таъминлаш ёки алоҳида шартнома асосида жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказиш;
- 4.1.11. Белгиланган жойга келиб тушмаган пул маблағларини Мижознинг ёзма мурожаатига кўра қидириш, аниқлаш ва қайтаришда тариф асосида кўмаклашиш;
- 4.1.12. Мижозни “Интернет-банк” тизимида рўйхатдан ўтказиш ва уни ушбу хизмат турига улаш;
- 4.1.13. Мижозга унинг электрон рақамли имзоси билан бирга электрон калит(лар)ни (йўқолган тақдирда) вақтинчалик фойдаланиш учун бериш;
- 4.1.14. Мижозга масофадан туриб ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш ва унинг топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган банк тизимида оид барча ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш;
- 4.1.15. Банкда ўрнатилган тўлиқ операцион иш куни мобайнида Мижозга хизмат кўрсатиш, дам олиш ва байрам кунлари бундан мустасно:
- а) мижознинг топшириғига кўра электрон тўловлар тегишли электрон ҳужжат, агар у банк операцион куни мобайнида келиб тушган бўлса, шу куннинг ўзида амалга оширилиши керак. Тўлов банк операцион куни тугагандан сўнг келиб тушганда, банк электрон тўловни кейинги банк кунидан кечиктирмасдан амалга оширилиши шарт.
- 4.1.16. Мижозга Банк иш режимига мувофиқ ўз вақтида хизмат кўрсатиш (24/7 режимдаги онлайн тўловлар бундан мустасно):
- Банклараро электрон ҳужжатлар соат 9:00 дан 16:00 га қадар;
 - Банк ичидаги ҳужжатлар соат 9:00 дан 17:00 га қадар;
 - Мижоз сўровлари бўйича ахборотлар соат 9:00 дан 17:30 га қадар.
- 4.1.17. Келиб тушган электрон қайдномаларга, уларда дастурий таъминот ишида рад этишлар натижасида келиб чиқадиган хатоликлар бўлмаганда, бир иш куни мобайнида ишлов бериш.
- 4.1.18. Мижоз аризасига асосан 3 банк иш кунидан кечиктирмасдан корпоратив банк картасини Мижозга фойдаланиш учун бериш;
- 4.1.19. Мижоз ёзма мурожаатига асосан карта ҳисобварағи тўғрисидаги ҳисоботни банк тарифига мувофиқ ҳақ эвазига тақдим этиш;
- 4.1.20. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ банклар зиммасига юклатилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

4.2. Мижоз мажбуриятлари:

4.2.1. Ҳисобварақ очиш ва операцияларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни Банкка тақдим этиш;

4.2.2. Миллий валюта ва/ёки хорижий валютада очиладиган ҳисобварақлар учун мақсадли тушумлар бўйича бошқа керакли (ойлик иш хақи учун, терминал учун, корпоратив карта учун, пенсия ва бошқа махсус) ҳисобварақлар очилишига Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг “Банкларда очиладиган банк ҳисобварақлари” тўғрисидаги 1948-сонли йўриқномасининг (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) 18-бандига асосан ушбу шартнома орқали ўз розилигини билдиради;

4.2.3. Мазкур шартнома шартларига риоя қилиш, банкда белгилаб қўйилган иш тартиби, тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибига риоя қилиш. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг амалдаги норматив ҳужжатлари талабларини бажариш;

4.2.4. Банкнинг расмий ахборотлари билан, шу жумладан, банк хизматлари кўрсатиш тарифларига киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисидаги ахборотлар билан мустақил равишда танишиб бориш (банкнинг расмий веб-сайти www.mkbank.uz, банкнинг ахборот стендларида ва ҳоказо);

4.2.5. Ҳисобварақда маблағ мавжуд бўлганда иш хақи, пенсия ва нафақалар олишнинг календарь жадвалига мувофиқ нақд пул олиш учун пул чекини ёки бундай тўловларни алоҳида шартнома асосида ходимларнинг пластик карталарига ўтказиб бериш бўйича (ДСИ ва бошқа фондларга ойлик иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича қарздорлиги йўқлиги кўрсатилган ҳолда) топшириқнома ва реестр (ҳодимлар рўйхати)ни тақдим этиш;

4.2.6. Нақд пул тушумларини амалдаги тартиб-қоидаларга мувофиқ банкка топшириш;

4.2.7. Асосий талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағида тўловларни амалга оширишда тўловларни ўтказишдаги банк комиссияси учун етарли пул маблағларига эга булиш;

4.2.8. Ўз ҳисобварағи бўйича кўчирмани ёки ҳисобварағи ҳақидаги маълумотни олган кундан эътиборан икки иш куни давомида ўз ҳисобварағига бегона маблағ келиб тушганлиги ҳақида хабар бериш;

4.2.9. Мажбурий тўловлар учун ўзининг асосий талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварағида пул маблағларига эга бўлиш. Асосий депозит ҳисобварағида муддати ўтган пул мажбуриятлари (2-сонли картотека) мавжуд бўлган ҳолларда ўзининг барча иккиламчи талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварақларидаги барча пул маблағларини асосий депозит ҳисобварағига ўтказиш;

4.2.10. Банк хизматлари учун хизмат ҳақи тўловини мазкур шартноманинг

6-бўлимида белгиланган тартибда амалга ошириш;

4.2.11. Хорижий давлат субъектлари билан тузилган контрактлар бўйича амалга оширилган экспорт-импорт операциялари юзасидан барча ҳужжатларни, шунингдек, зарур ҳолларда қонунчилик билан назорати Банк зиммасига юклатилган бошқа амалиётлар юзасидан маълумотлар ва барча ҳужжатларни Банкка тақдим этиш;

4.2.12. Ўз номи, манзили, телефон рақамлари, электрон манзили (ҳоказо алоқа воситалари), юқори ташкилоти ва мижознинг ҳолатини белгиловчи бошқа тафсилотлар ўзгарганлиги тўғрисида беш иш кунида Банкка ёзма тарзда хабар бериш;

4.2.13. Ўз кассасида касса операцияларини амалга оширишда қонунчиликка қатъий риоя этиш, банк кассасидан олинган нақд пул маблағларини фақат мақсадга мувофиқ ишлатилишини таъминлаш, депонентланган иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни ушбу мақсадлар учун банкдан нақд пул олинган куннинг тўртинчи кунидан кечиктирмаган ҳолда банк кассасига топшириш;

4.2.14. Мижоз амалга ошираётган операциянинг бошқа иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи ҳужжатларни тақдим этиш;

4.2.15. Ҳисобварақдан эркин фойдаланишига учинчи шахслар томонидан чеклов ўрнатилиши билан боғлиқ низоларни банкнинг иштирокисиз ҳал қилиш;

4.2.16. Мижоз интернет-банк тизими орқали келиб тушган электрон тўлов талабномалари билан тизимга уланган вақтда танишиши ва электрон талабномаларни уч иш куни давомида акцептлаш, акцептлашдан тўла ёки қисман бош тортиши ва бу ҳақида интернет-банк тизими орқали банкка хабар бериш;

4.2.17. Мижоз номидан масофавий хизматлардан фойдаланувчи ва унинг номига электрон калит учун жавобгар доимий масъул шахсни тайинлаш;

4.2.18. “Интернет-банк” тизимида рўйхатдан ўтказиш ва электрон калит олиш учун Мижознинг масъул шахси тўғрисидаги маълумотларни Банк томонидан кўрсатилган иловаларга мувофиқ тақдим этиш;

4.2.19. Банкда ўрнатилган иш режимига ва “Интернет-банк” тизими иш тартибига риоя этиш;

4.2.20. Банк талабига кўра “Интернет-банкнинг” тизими орқали ўтказилган тўловларга тааллуқли ўз молиявий-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ зарур маълумотларни тақдим этиш;

4.2.21. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва ушбу шартноманинг барча талабларига риоя этиш;

4.2.22. “Интернет-банк” тизимидан фойдаланиш учун минимал техник талабларнинг бажарилишини таъминлаш, яъни:

- USB портига эга ва Windows XP SP2 операцион тизими ўрнатилган шахсий компьютерга эга бўлиш, жумладан:
 - интернетга чиқиш каналига эга бўлиш;
 - ҳужжатларни чоп этиш ускунаси бўлиши
 - Internet Explorer v6.0 дастурий таъминотини шахсий компьютерда мавжуд бўлиши.

4.2.23. Банк томонидан берилган электрон калит(лар)дан фақатгина “Интернет-банк” тизимида ишлаш учун фойдаланиш;

4.2.24. Электрон ҳужжатларнинг барча реквизитларини тўғри ва аниқ кўрсатиш;

4.2.25. Банк томонидан берилган электрон калит(лар) ёрдамида Мижознинг рақамли электрон имзоси билан имзоланган барча электрон тўлов ҳужжатлари учун тўлиқ жавобгарликка эга бўлиш;

4.2.26. Электрон калит(лар) йўқотилган ёки ишдан чиққанда бу ҳақда шу куннинг ўзида Банк масъул ходими ва “Интернет-банк” тизими администраторини ёзма равишда хабардор қилиш. Олинган электрон калит(лар) йўқотилган ёки ишдан чиққанда (жисмонан ёки дастурий жиҳатдан), шунингдек, Мижоз томонидан қўшимча калит талаб қилинганда, янги калит(лар) Мижоз банк тарифида белгиланган миқдордаги тўловни амалга оширгандан сўнг тақдим қилинади;

4.2.27. Олинган электрон калит (электрон рақамли имзо билан), “Интернет-банк” ва “Мобил-банк” тизимларига кириш паролларини, шунингдек, “Мобил-банк” тизими ўрнатилган мобил қурилмани ва ушбу қурулмага юборилган SMS-хабарлардаги кодларни учинчи шахсларга бермаслик;

4.2.28. Банк ҳисобварағи ва/ёки телефон рақами ўзгарадиган бўлса маълум қилиш;

4.2.29. Ҳисобварағ айланмалари бўйича келадиган СМС хабар маълумотларни телефон қурилмадан учинчи шахсларга тарқалиш таваккалчилик хатарини ўз зиммасига олиш;

4.2.30. Телефон қурилма ва/ёки телефон оператори носозлиги сабабли СМС хабарлар олинмаса банкка эътироз билдирмаслик

4.2.31. Мижознинг масъул шахси билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ёки унинг хизмат вазифалари ўзгарганда ёхуд бошқа бирор-бир ўзгаришлар содир бўлганда, бу ҳақда ўзгариш содир бўлган кундан кейинги банк иш кунидан кеч бўлмаган ҳолда ёзма равишда хабардор қилиш. Мижоз томонидан масъул шахс ўзгарган ва бу ўзгариш ҳақида Мижоз Банкни мазкур шартноманинг ушбу бандида назарда тутилган муддатда хабардор қилмаган ҳолатда, Банк электрон калитни бошқа шахсга (ўзгарган масъул шахсга) қайта расмийлаштирилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди;

4.2.32. Мижоз “Интернет-банк” ва “Мобил-банк” тизимларидан 6 ой мобайнида сабабсиз фойдаланмаганда, унга бириктирилган электрон рақамли имзо билан бирга электрон калит(лар)ни бутун ва иш ҳолатида Банкка 3 иш кунда қайтариш;

4.2.33. Ушбу шартнома бекор қилинган пайтдан бошлаб, “Интернет-банк” тизимидан ўчириш учун электрон рақамли имзо билан бирга электрон калит(лар)ни бутун ва иш ҳолатида Банкка қайтариш;

4.2.34. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

4.2.35. Мижоз ёки унинг операцияси санкция таъсир доирасига тушганда ёки тушиш хавфи мавжуд бўлганда, операцияни ўрганиш мақсадида банк томонидан сўралган қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Мустақил равишда банк хизмати кўрсатиш тарифларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

5.1.2. Мижознинг амалдаги қонунчилик ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки норматив ҳужжатлари талабларига, шунингдек ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш ва Банкка тақдим этиш муддатларига риоя этмаганлигини тасдиқловчи фактлар мавжуд бўлганда, ҳисоб-китоб-касса операцияларини амалга оширишни рад этиш;

5.1.3. Маблағларнинг сақланганлиги ва эгасига ҳисобварақдаги маблағ миқдорида тўсиқларсиз тасарруф этиш ҳуқуқининг берилишини кафолатлаган ҳолда Мижознинг банк ҳисобварағидаги бўш маблағларидан молия ресурслари манбаи сифатида фойдаланиш;

5.1.4. Мижознинг пул маблағларини унинг розилигисиз ҳисобварағидан чиқаришга, яъни бюджет даромадига, бюджетдан ташқари фондларга ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда, фақат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳоллардагина кўчириш;

5.1.5. Мижоз ҳисобварағига тўловчи томонидан хато ўтказилган пул маблағни, мижозни хабардор қилган ҳолда тузатиш бухгалтерия ўтказмасини амалга ошириш йўли билан орқага қайтариш;

5.1.6. Ҳисоб-китоб-касса ҳужжатларининг ҳақиқийлигига аниқ шубҳа туғилган ҳолларда, бу ҳақида Мижознинг биринчи ёки иккинчи имзони қуйиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларига хабар килиб, операцияни бажаришни рад этиш;

5.1.7. Мижознинг асосий депозит ҳисобварағида 2-сонли картотека мавжуд бўлган тақдирда унинг пул мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар мижознинг иккиламчи ҳисобварақларидан маблағларни “Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) талабларига асосан депозит ҳисобварағига ўтказиш;

5.1.8. Зарур ҳолларда Мижоз фаолияти ва раҳбарлари/таъсисчилари тўғрисидаги маълумотларни “Банк сири тўғрисида”ги ва “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ белгиланган тартибда тегишли органларга тақдим этиш;

5.1.9. Мижоз ҳисобварағидаги пул маблағлари суриштирувчи, терговчи қарори бўйича ёки суд ажримига кўра хатланганда, шунингдек, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда ҳисобварақ бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш;

5.1.10. Мижоз томонидан уни идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаганида маблағларни ўтказиш бўйича топшириқларни ва бошқа операцияларни бажаришни рад этиш. Мижоз ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш операциялари бундан мустасно;

5.1.11. Мижоздан олинган ахборотлар (ҳужжатлар) ишончилигига шубҳа мавжуд бўлганда, мижозлар ҳақидаги ахборотларнинг (ҳужжатларнинг) ишончилигини (ҳақиқийлигини) аниқлаштириш (верификациялаш) бўйича тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш;

5.1.12. Мижоз томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар нусхаларининг тўғрилигига шубҳа туғилганда ёки бошқа зарурат пайдо бўлган тақдирда, ушбу ҳужжатларнинг асл нусхаларини ва бошқа маълумотларни тақдим қилинишини талаб қилиш;

5.1.13. шубҳали операциялар аломатлари мавжуд операциялар аниқланганда, ўтказилаётган операция ҳақидаги қўшимча маълумотлар юзасидан Мижозга мурожаат қилиш;

5.1.14. Қуйидаги ҳолларда Мижозга операцияларни амалга оширишни рад этиш:

- юридик шахснинг бошқарув органи ёки юридик шахс номидан ишончномасиз фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзининг жойлашган манзили (почта манзили) бўйича мавжуд бўлмаганида;

- атайин нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ сўраладиган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

5.1.15. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги бузган ҳолда расмийлаштирилган Мижознинг электрон ҳужжатларини бажариш учун қабул қилмаслик;

5.1.16. Мижознинг бажариш учун қабул қилинган электрон ҳужжатларининг қоғоздаги нусхаларини расмийлаштириш ва уларни Ўзбекистон Республикасининг ҳисоб-китоб амалиётларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ тасдиқлаш;

5.1.17. Банк ва Мижоз ўртасида техник низолар юзага келганда, Мижознинг “Интернет-банк” тизимига уланган жиҳозини кўриқдан ўтказиш;

5.1.18. Мижоз томонидан ушбу шартноманинг бошқа шартлари бузилганда, Мижозга масофавий хизматлар кўрсатишни тўхтатиш;

5.1.19. Мижоз томонидан шубҳали операция ўтказилганлиги аниқланганда, Мижоз томонидан ўтказилган операциянинг қонунийлиги тўғрисида ёзма тушунтириш хати олингунига қадар Мижозга масофавий хизматлар кўрсатишни тўхтатиб туриш;

5.1.20. Масофавий хизматлардан фойдаланган ҳолда шубҳали операциялар ўтказилганлиги шубҳа туғилганда Мижознинг жойлашган манзили (почта манзили) бўйича Мижозни ўрганиш, шу жумладан, бевосита шартномада кўрсатилган шахс томонидан операциянинг ўтказилиши жараёнини ўрганиш;

5.1.21. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида Мижознинг масофавий банк хизматларидан фойдаланилганлиги ҳақида асосли шубҳа бўлганда, Мижозга масофавий банк хизматлари кўрсатишни тўхтатиш ва ушбу шартномани бир томонлама бекор қилиш.

5.1.22. Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5.1.23. Мижоз ёки унинг операцияси санкция таъсир доирасига тушганда ёки тушиш хавфи мавжуд бўлганда, операцияни ўрганиш мақсадида қўшимча маълумотларни сўраш, операция миқдорини чегаралаш, операцияни чеклаш (рад этиш) ёки амалга ошираётган операциялари унинг анкетасидаги профилига номувофиқ бўлган ҳолларда хизмат кўрсатишни рад этиш, шунингдек экспорти (реэкспорти) тақиқланган товар экспортдан ёки санкцияга тушган банк ва ташкилотлардан келиб тушган валюта маблағларини аниқлаштиргунга қадар тегишли ҳисобрақамларга кирим қилган ҳолда музлатиб қўйиш ва мижозни огохлантирган ҳолда шартномаларни бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқларига эга.

5.2. Мижознинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Мижоз мазкур оферта шартномаси билан танишиб чиқиш;

5.2.2. Агар амалдаги қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, ўз ҳисобварағида мавжуд бўлган пул маблағларини мустақил тасарруф этиш. Мижознинг топшириғига биноан банк ҳисобварағи бўйича бажарилган барча операцияларнинг қонунийлигига мижознинг ўзи жавобгар ҳисобланади;

5.2.3. Ҳисоб-китобкасса хизмати кўрсатиш бўйича Банкка топшириқ бериш, инкассо бўйича сўровга жавоб олиш, топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш;

5.2.4. Иш ҳақи, пенсия ва нафақалар олишнинг календарь жадвалига мувофиқ иш ҳақи тўлови ва амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлар учун ҳисобварақдаги маблағлар доирасида нақд пул маблағлари олиш ёки алоҳида шартнома асосида пластик картага ўтказиш;

5.2.5. Банк айби билан кўрилган зарарларнинг қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

5.2.6. Зарур ҳолларда Банкдан нақд пулсиз ҳисоб-китобларга доир қоидалар ва ушбу қоидаларга киритиладиган ўзгартиришлар тўғрисидаги ахборотларни олиш;

5.2.7. Банк хизматлари ва тарифлари ҳақида маълумотлар олиш.

VI. БАНК ХИЗМАТ ҲАҚИ ВА УНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Ушбу шартномани имзолаётиб, Мижоз банк хизматлари тўғрисидаги маълумотлар билан, шу жумладан банк тарифлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлайди.

6.2. Мижоз Банк томонидан кўрсатилган хизматлар учун Банк тарифларига мувофиқ ҳақ тўлайди.

6.3. Банкнинг хизматлари учун ҳақ банк операцияси бажарилаётган вақт билан бир пайтда мижознинг ҳисобварағида турган пул маблағларидан банк операцияси бажарилаётган кунда амалда бўлган Банк тарифларида белгиланган миқдорларда акцептсиз тарзда ундириб олинади.

6.4. Банк хизмат кўрсатиш шартларининг, шу жумладан банк тарифлари ўзгариши ҳақида, бундай ўзгаришлар кучга киришидан камида ўн кун олдин банкнинг расмий веб-сайтида (www.mkbank.uz) ва банкнинг ахборот стендларида эълон қилади.

6.5. Мижоз ушбу шартномада келтирилган мажбуриятларини бажармаслик натижасида ёки Банкка боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга кўра тарифларга киритилган ўзгартиришлардан хабарсиз бўлиши Банкнинг ўзгартирилган тарифлар бўйича Мижоздан ҳақ олишига тўсқинлик қилмайди.

VII. КОРПОРАТИВ КАРТАЛАРНИ ЧИҚАРИШ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ

7.1. Корпоратив карталарни чиқариш учун Мижоз Банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

7.1.1 ариза;

7.1.2 ташкилот раҳбари томонидан имзоланиб, тасдиқланган ходимлар рўйхати;

7.1.3 рўйхатда келтирилган ҳар бир ходимнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

7.2. Банк томонидан корпоратив карта карта эгасига ёки Мижоз томонидан берилган ишончнома асосида бевосита ваколатли шахсга топширилади.

7.3. Карта Мижознинг масъул шахсига (Карта эгасига) топширилган вақтдан бошлаб Карталар ёрдамида амалга оширилган барча амалиётлар учун Мижоз жавобгар ҳисобланади.

7.4. Карта ҳисобварағига маблағларни бирламчи кирим қилиш Банк тарифларида назарда тутилган картани бериш шартларига асосан амалга оширилади.

7.5. Карта ҳисобварағига жойлаштирилган пул маблағлари фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар учун ишлатилиши мумкин:

7.5.1 мижоз ходимларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича сафарга юбориш билан боғлиқ харажатларни нақд пулсиз тўлаш учун,

7.5.2 мижознинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

7.5.3 мижознинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

7.5.4 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вакиллик харажатларини нақд пулсиз тўлаш учун.

Юқорида келтирилган амалиётлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига, Марказий Банк норматив ҳужжатларига, ушбу шартнома шартларига ҳамда

кўрсатилган турдаги ҳисобварағлар бўйича амалиётларни амалга ошириш учун банк томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

7.6. Карта ёрдамида иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни амалга ошириш мумкин эмас.

7.7. Карта йўқотилган тақдирда Мижоз дархол белгиланган тартибда Картанинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида Банкни хабардор қилади.

7.8. Картанинг амал қилиш муддати тугганида ёки Банк томонидан Картани қайтариш ёзма равишда талаб қилинганида, Мижоз етти календар куни ичида Картани Банкка қайтаришни таъминлаши лозим.

7.9. Карта эгаси бўлган ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда, Мижоз ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётган санадан кечиктирмасдан Карта Банкка қайтарилишини таъминлаши лозим.

7.10. Илгари йўқолган деб маълумот берилган Карта топилган тақдирда, дархол бу ҳақда Банк хабардор қилиниши ва Картани уч иш куни ичида Банкка қайтарилиши керак.

7.11. Мижоз Карта эгасини картага тушадиган маблағ миқдори тўғрисида хабардор қилади.

7.12. Мижоз Карта эгаси томонидан Карта ёрдамида амалга оширилган операциялар тўғрисидаги ҳисоботларни Мижознинг бухгалтерига сақлаш учун топширишини назорат қилиб боради.

7.13. Техник носозликлар (алоқа узилиши, карта блокляниб қолиши, картанинг амал қилиш муддати тугаши ва бошқалар) туфайли Картага ўтказилаётган пул маблағлари Картага икки мартаба кирим қилинган тақдирда, ортиқча кирим қилинган пул маблағлари ҳисобдан чиқариш учун Мижоз дархол Банкни хабардор қилиши шарт.

7.14. Банк Карта орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича қуйидаги ҳолларда Мижоз олдида жавобгарликни ўз зиммасига олмайди:

- Мижоз Карта орқали амалиётларни амалга оширишда ушбу шартномада ўрнатилган қоида ва тартибни бузганда;

- Мижоз томонидан ўтказилган тўлов амалиёт тўғрисида ҳужжат ёки ахборотлар йўқлигида;

- Мижоз томонидан ноқонуний ҳаракатлар амалга оширилганда.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Мазкур шартнома бўйича қабул қилинган мажбуриятларга риоя қилмаганлари учун томонлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

8.2. Марказий банк қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча зарурий ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин Банк томонидан ҳисобварақ очишни сабабсиз кечиктирилганлик ёки очишдан бош тортганлик, шунингдек мазкур турдаги ҳисобварақ очиш учун ортиқча ҳужжатларни талаб қилганлиги учун Банк Мижозга банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,001 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

8.3. Банк Мижознинг ҳисобварағида етарли маблағ бўлганида иш ҳақи ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун ўз вақтида нақд пул бермаганлиги учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,005 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

8.4. Мижозлар ҳисобварағига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлик учун, электрон тўловларни амалга оширишнинг ва хато амалга оширилган электрон тўловларни қайтаришнинг ўрнатилган муддатларини бузишни истисно этган ҳолда, Банк ҳар бир ҳолат учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,001 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

8.5. Банкка ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар ёки маълумотлар тақдим қилганлиги, шунингдек мазкур шартноманинг бошқа шартларини бажармаганлиги учун (Банк томонидан Мижознинг айби ҳужжатлар асосида тасдиқланган ҳолда) Мижоз Банкка базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима тўлайди.

8.6. Мижоз Банкка ҳисоботларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун жавобгар.

8.7. Мижоз операцияларнинг қонунийлиги ва пул маблағларининг қонунга мувофиқ қатъий белгиланган мақсадда ишлатилиши учун жавобгар. Мижоз операциялари юзасидан банкка нисбатан қўлланилган жарималар (пенялар) мижоз томонидан банкка қоплаб берилади.

8.8. Банк Мижознинг шартномавий мажбуриятларини бажармагани ёки тегишли равишда бажармагани учун кредиторларга тўлаши лозим бўлган пеняни ҳисоблашга ва ундиришга жавобгар эмас.

8.9. Тўлов топшириқномаларининг расмийлаштирилиши ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун мижоз жавобгар ҳисобланади.

8.10. Интернет-банк орқали юборилган электрон талабномаларни тўғри ақцепланганлигига ёки рад этилганлигига мижоз жавобгар ҳисобланади.

8.11. Банк қуйидаги ҳолларда жарима тўлашдан озод қилинади:

а) банклараро электрон тизими ишдан чиққанда (бошқа турдаги электрон тўловлар тизимига ўтиш, янги дастурларни синаш ва жорий этиш, Банк фаолиятига тааллуқли бўлмаган бошқа вазиятларда);

б) электроэнергия бўлмаган ҳолларда ҳамда Банк фаолиятига тааллуқли бўлмаган бошқа вазиятларда;

в) Мижоз томонидан амалдаги қонунчилик асосида белгиланган талабларга мос келмайдиган тўлов ҳужжатлари тақдим қилинганда;

г) қонунчиликда белгиланган тартибда Банк ёки Мижоз ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб қўйилганда.

8.12. Банк қуйидагилар учун жавобгарликка эга бўлмайди:

а) форс-мажор ҳолатларда, шу жумладан, банклараро электрон тўловлар тизимида юз бериши мумкин бўлган мажбурий тўхтаб қолишларда ҳам.

б) мижоз томонидан тақдим этилган, амалдаги қонунчилик орқали ўрнатилган талабларга жавоб бермайдиган тўлов ҳужжатлари учун;

в) мижознинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган тўловлар учун;

г) Банк ёки мижознинг ҳисоб рақамидаги операцияларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда тўхтатиб қўйилганлиги учун;

д) мижознинг ўрнатилган техник талабларга риоя этмаганлиги учун;

е) жўнатувчининг электрон ҳужжатларида йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар учун;

ж) мобил телефон ёки планшет орқали мобил иловадан фойдаланган ҳолда “Мобил-банк” тизими орқали жўнатилган электрон ҳужжатлар учун.

8.13. Банкка нисбатан ушбу шартномада назарда тутилган жарима жазо чораларини қўллаш суд қарорига асосан амалга оширилади.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

9.2. Тарафлар ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

9.3. Ушбу Шартнома Тарафларнинг ҳар бири бошқа Тарафнинг ходимларини ҳар

қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

9.4. Агар Тарафлардан бири мазкур шартномада келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларну бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни 10 (ўн) банк иши куни давомида ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномада Тарафлар томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, шунингдек амалдаги қонунчилик талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

9.5. Бир Тараф коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганда ва ёки бошқа Тараф ҳуқуқбузарлик содир бўлмаган ёки содир бўлмаслиги ҳақида ўрнатилган муддатда Ёзма хабарнома олмаган тақдирда, бошқа Тараф шартномани бекор қилиш ҳақида Ёзма хабарнома жўнатган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур шартлар асосида шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан Тараф, шартномани бекор қилиш натижасида вужудга келган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

9.6. Шартноманинг тарафлари коррупцияни олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомиларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда тарафлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган коррупцияни олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадilar.

9.7. Тарафлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Тараф учун ҳам оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

Х. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

10.1. Шартнома тузилганидан сўнг юзага келиши мумкин бўлган сув тошқини, ёнғин, зилзила ва табиий офатлар, сиёсий ларзалар, эмбарго, ҳарбий ҳаракатлар каби сабаблар тўғрисида ушбу шартнома бўйича ҳар қандай мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаган ҳолларда томонлар жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман озод этилади.

10.2. Юзага келган Форс-мажор ҳолатлари ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар яқунланганлиги ҳақида тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бошлаб, уч банк куни ичида бу ҳақда иккинчи тарафни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

10.3. Юзага келган Форс-мажор ҳолатлари тўғрисида бир тараф бошқа тарафни ўз вақтида ёхуд умуман хабардор қилинмаслиги уларни мажбуриятларни бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги оқибатида келиб чиқадиган жавобгарликдан озод қилмайди.

10.4. Форс-мажор ҳолатлари ўттиз кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўладилар.

ХИ. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Мазкур шартнома томонлар ўртасида имзоланган кундан эътиборан тузилган ҳисобланади ва амал қилиш муддати чекланмайди.

11.2. Мазкур шартномага киритилмаган барча ўзгартириш ва қўшимчалар банкнинг веб-сайти ва банк филиал стендлари орқали мижозларга маълум қилинади.

11.3. Мазкур шартнома Мижоз талабига кўра у хоҳлаган пайтда, агар унинг банк олдида қондирилмаган мажбуриятлари мавжуд бўлмаса, бу ҳақда Банкни ўн кун олдин ёзма равишда хабардор қилиш шarti билан бекор қилинади.

11.4. Шартнома бекор қилинган санадан бошлаб етти кун давомида Банк Мижознинг ҳисобварағини ёпади ва Мижознинг ёзма аризасига мувофиқ маблағ қолдиғини бошқа ҳисобвараққа ўтказди. Шартнома бекор қилинган санадан эътиборан етти кун давомида Мижоз маблағларини бошқа ҳисобвараққа ўтказиш тўғрисида ёзма кўрсатма бермаса, Банк бир томонлама тартибда Мижознинг ҳисоб-китоб ҳужжатларини ва чекларини ижро учун қабул қилишни тўхтатиб қўяди.

11.5. Ушбу шартнома Банкнинг талабига кўра суд орқали қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

11.5.1 мижознинг ҳисобварағида сақланаётган пул маблағлари суммаси банк қоидаларида назарда тутилган энг кам миқдордан оз бўлса, агар бундай сумма банк бу ҳақида огоҳлантирган кундан бошлаб бир ойда тикланмаса;

11.5.2 ушбу ҳисобварақ бўйича бир йил давомида операциялар амалга оширилмаган бўлса.

11.6. Ушбу шартноманинг бекор қилиниши Мижоз ҳисобварағини ёпиш учун асос ҳисобланади.

XII. МАХФИЙЛИК

12.1. Тарафлар ушбу шартномани бажарилиши муносабати билан ўзларига маълум бўлган махфий маълумотларни, шу жумладан банк сирини ошкор қилмаслик мажбуриятини оладилар ва ушбу маълумотлардан фақат махфийлик мақсадида фойдаланадилар. Бунда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатли органларга махфий ахборотни тақдим этиш бундан истисно.

12.2. Тарафлар шартнома бекор бўлгандан кейин ушбу шартномани бажариш билан боғлиқ бўлган барча махфий маълумотларни ошкор қилмасликка мажбурдирлар.

12.3. Махфийлик мажбуриятлари бузилган тақдирда, айбдор тараф жабрланувчига / Тарафлар / махфийликнинг бузилиши натижасида етказилган зарарни тўлиқ қоплайди.

XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

13.1. Мазкур шартномани ижро этиш масалалари бўйича Банк ва Мижоз ўртасида келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда томонлар уларни ўзаро музокаралар ёрдамида ҳал қилиш учун барча чораларни кўрадилар. Мазкур шартнома юзасидан келиб чиққан низони ҳал қилиш учун томонлар ўз эътирозларини (талабларини) иккинчи томонга ёзма тарзда юборишлари шарт.

13.2. Музокаралар олиб бориш орқали тарафлар бир тўхтамга кела олмаганда, баҳслар ва келишмовчиликлар иқтисодий судда амалдаги қонунчиликка мувофиқ кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

13.3. Мижознинг бошқа шахслар билан ҳисоб-китобларига оид ўзаро низолари улар томонидан Банкнинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

13.4. Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган барча масалалар амалдаги қонунчилик асосида ҳал этилади.

XIV. БОШҚА ШАРТЛАР

14.1. Мижознинг ҳисобварағи бўйича операцияларни ўтказиш тартиби томонлар учун мажбурий ҳисобланувчи Марказий банк норматив ҳужжатлари билан белгиланади.

14.2. Мазкур шартнома Банк томонидан оферта қилинган. Банк ҳисобварағи бўйича муносабатларни белгиловчи ҳар қандай Банк томонидан оферта қилинмаган битим ҳақиқий эмас.

14.3. Ушбу шартнома қоидалари томонлар ўртасидаги банк ҳисобварағи қоидаларини тартибга солувчи бошқа ҳар қандай битим қоидаларидан устун туради. Банк ва Мижоз ўртасида ушбу шартнома қоидаларидан жиддий фарқ қилувчи ҳар қандай битим ҳақиқий эмас ҳисобланади.

14.4. Ушбу шартнома бўйича Банк Мижозни бевосита хабардор қилишни ўз зиммасига олган ҳар қандай хат-хабарларни (талабномалар, огоҳлантириш хатлари, информацион маълумотлар ва бошқалар) Банк Мижоз томонидан банк ҳисобварағи очиш тўғрисидаги аризага мувофиқ Банкка тақдим қилган хабарномада кўрсатилган алоқа воситаларидан бирига (почта, телефон, электрон почта ва бошқалар) ўз ихтиёрига кўра қоғоз, смс ёки электрон хат кўринишида юборишга ҳақли.

14.5. Мижоз томонидан тўлов қайдномаси адашиб жўнатилганлиги аниқланганида, Мижоз зудлик билан бу ҳақда ёзма равишда Банкни хабардор қилади.

**ТЕРМИНАЛ УСКУНАЛАРИНИ ТОПШИРИШ- ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

_____ ш. 202__ йил «__» _____

Биз қуйида имзо чекувчилар “Микрокредитбанк” АТБ _____ филиали,
ҳамда _____
ушбу далолатномани шу ҳақда туздик, яъни Банк ишга яроқли терминал усқунани соз
ҳолатда вақтинча фойдаланишга беради, _____
пластик карта эгаларига хизмат кўрсатиш мақсадида терминал усқунасини соз ҳолатда
қабул қилдим, қуйидаги рўйхатга асосан:

ТОПШИРИЛАЁТГАН УСКУНАЛАР РЎЙХАТИ

№	Усқуна номи	сони, дона

Топширилаётган усқуна нархи _____ сўмни
ташкил қилади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан усқунанинг бутлигини таъминлаш ва масъул
этиб _____ тайинланди.

(Банкнинг масъул вакили)

(имзо)

(Ташкилот раҳбари Ф.И.Ш.)

(Имзо)

(М.Ў.)